

Партия турмуши: идеология ва ҳаёт

Сўз ва иш бирлиги

Партия ўқув, иқтисодий таълим шохоб. чаларида 1985 — 1986 йили низо- сита етди. У гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа- ларга бой бўлди. КПСС XXVII съезди қабул қилган қарорлар ўқув мазмунини тубдан бойитди. Машгулот- ларда сўз қабул қилган ҳужжатлар — СССРни иқ- тисодий ва социал ривож- лантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилга- га бўлган даврга мўлжаллан- ган Асосий йўналишлари, КПССнинг янги таъриридаги Программаси, тақлиф этил- ган ўзгаришлар билан КПСС Уставида қўйилган вазифалар чуқур ва атроф- лича ўрганилди.

Корхонамида, шунингдек бизнинг йиғув цехимизда ҳам партия ўқувининг бо- рилиш мунтазам кузатиб бо- рилди. Биро йилгиликларда умуман ўқув мазмунини бо- йитиш, давомати яхшилаш, йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларга барҳам бериш, пропагандастларнинг маҳор- атини ошириш билан боғ- лиқ масалалар мунтазам қў- риб борилди. Ўқув машгу-

лотларининг гоёвий-назарий савиясини ошириш, унинг ҳаёт билан алоқасини мус- таҳкамлаш бўйича бир қатор тадбирлар қўрилди. Якуновчи машгулотларга пухта тайёргарлик қўрилди. Уларда корхона партия мао- рифи кабинетининг мудир В. Крамаренко, пропаган- дистлардан Т. Абдуқодиров, В. Будилин ва бошқалар эришилган тажрибаларни умумлаштирилди. Янги ўқув йилида нимага эъти- борни қаратиш кераклигини тушутирилди.

Мана, энди ўқув машгу- лотлари ҳам ортда қолди. Олинган билимларни ҳаётга тадбиқ этиш биз учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети- нинг 1986 йили (1986 йил) Пле- нуми СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўл- жалланган истиқбол режале- рини ва партия ташкилотла- рининг бу режаларни амал- га ошириш борасидаги вазифа- ларини ойдин белгилаб берди. Унда партия ташки- лотларида қайта қуришнинг бориши атрофлича таҳлил этилди. Сўздан буён ўт-

ган ойлarda қилинган иш- ларга ҳолисона баҳо берил- ди. Социал-иқтисодий ри- вожланишнинг барча йўна- лишларида сўзд ўртага қўйган жадаллаштириш ва- зифалари меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиқни янада оширишни, интизом ва тар- тибни мустаҳкамлашни та- қозо этмоқда. Бизнинг цехи- миз коллективи ҳам Пле- нум қарорларини қизгин қўл- лаб-қувватламоқдалар. Бун- дан буён амалга оширила- диган ишларни Пленум ўр- тага қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белги- ламоқдалар. Цехимиз ком- мунистлари, барча ишчи- хизматчилари сўздан ке- йин бутун мамлакатимизда бўй бераётган жараёнларга гоёта қизиқиб қарамоқда- лар. Улар сўзд гоёларини амалга ошириш учун умум- халқ курашига ўз мусоёс- и ҳиссаларини қўшишга инти- ломоқдалар.

Сўзд ўртага қўйган қай- та куриш вазифаси биз, пропагандастларни ҳам ўз ишларимизга талабчанлик билан ёндошишимизни, мав- жуд аҳволга ҳолисона баҳо беришимизни талаб этади.

Ўқиб борасида кўпгина иш- лар қилинди, ўқувнинг гоё- вий-назарий савияси ошди. Тингловчилар машгулотлар- га қизиқиб қарайдиган бўлиб қолди. Ўтилаётган мавзу- лар бевосита участкаларида- ги ҳаёт билан боғлаб ўр- тилиди. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Бироқ ҳали биз эътиборимизни қарати- шимиз зарур бўлган муам- молар ҳам йўқ эмас. КПСС Марказий Комитетининг Пле- нуми ана шу вазифаларни жуда ойдин кўрсатиб бер- ган. Биз ана шу асосда цехи- миз партия ташкилоти, барча коммунистлари, идеология активистлари олдида турган вазифаларни белгилаб олим- миз.

КПСС Марказий Комитети- нинг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Муро- жаатномасида ҳам айтил- диларки, сўзлар ифода этилаётган айтиб ўтмоқчи- миз. Мурожаатномада сўз- лар КПСС Марказий Коми- тетининг Пленуми ўртага қўйган вазифаларга жуда ҳамоҳанглик. Унда ҳар бир меҳнат коллективи амалга ошириш лозим бўлган дол- зарб вазифалар кўрсатиб берилган. «Қаътий план ва

меҳнат интизоми, уюшқон- лик, тартиб бўлмаса, сама- рали экономика ҳам бўлма- ди» дейилади унда. Жуда ўринли гап! Биз Мурожаат- номада ҳар бир ишчининг дилидаги сўзлар ифода эти- лганини кўрдик.

Шу кунлардаги вазифамиз партия ўқув ва иқтисодий таълим шохобчаларида бу- тун ўқув йили мобайнида тингловчилар олган билим- ларни ҳаётга муваффақият- ли тадбиқ этишга ёрдам бе- ришдир. В. Харитонова, М. Тешабоев кингари қўлаб коммунистлар сўз ва иш бирлигига қаътий амал қи- лишипти. Улар Фақат ўз- ларининг меҳнатда шахсий намуна кўрсатиб қолмай, балки бошқаларни ҳам ил- горлар сағига етказиб олиш- га ёрдам бермоқдалар. Мақ- садимиз — ишда ташаббус- корлик ва активлиқни ри- вожлантириш, олдимизга қўйилган барча вазифаларни бекам куёт амалга оши- ришдир.

В. АБДУЛЛАЕВ, «СССР 50 йилги номи- даги Тошкент трактор заво- ди» ишлаб чиқариш бирлаш- маси пропагандисти.

Совет—Мали ҳамкорлиги

БАМАКО. СССР билан Мали Рес- публикаси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик мус- таҳкамланмоқда. Совет Ит- тифоқи саноат корхоналари- ни қуришда Африкадаги бу мамлакатда ёрдам кўр- сатмоқда, машина-уску- налар етказиб бермоқда, малакали мутахассислар тайёрламоқда.

Пойтахтдан 250 километр жанубдаги шахтёрларнинг Қалан шаҳарчасида 80 на- фар совет мутахассислари маиллик қончилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар бундан бир йил аввал олтин қазиб чиқарувчи комплекс бирин- чи навбатини ишга туши- риш маросимида қатнаш- дилар. Иккинчи навбат иш- га туширилгач, бу комплекс мамлакатнинг қончилик саноатида етакчи корхона- лардан бири бўлиб қолади.

СССРнинг ёрдами билан Диамада цемент заводи, Ба- макода маъмурий мактаб, медицина билим юрти, педа- гогика институти ва «Ом- ниспорт» спорт комплекси, шунингдек Катингбу шаҳри- да қишлоқ хўжалик инсти- тут қурилди. Совет врач- лари ва рус тили ўқитувчи- лари бу ерда кўп йиллардан бери ишлаб келмоқдалар. Ўтган йилга йил ичида чойтахтадаги ҳунар-техника таълими марказида 2,5 мингдан ортиқ малакали иш- чи тайёрлаб чиқарилиди. Мамлакатда бу соҳада йо- на билан юрти ҳам совет- лар мамлакатининг ёрдами билан қурилган.

Совет ўқув юртларида таълим олган юзлаб мали- лик йигит-қизлар миллий қурилишнинг турли соҳала- рида муваффақият билан ишламоқдалар.

АҚШ



Оддий америкаликлар «Америка орқали кўп- кўпга бериб» ушбу намуна- шида қатнашдилар. Етти мил- лионга яқин киши қўлим- қўлга бериб Атлантик океани- дан Тинч океан қирғоқларига- га, Нью-Йоркдан Лонг-Бич- га, Вашингтондан Сан-Фран- цискога қўйилган қўлларни қўйишга қатнашдилар. Улар ўзларининг бу ишлари билан АҚШда ҳамон кенг қўла- да тарқалиб бораётган очлик ва қашшоқлик проблемасига ҳо- лимизни қўйишга ҳаракат қил- дилар.

СУРАТДА: намоёниш қатнаш- чилари Вашингтонда, Е. Шальневал фотоси, ТАСС.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРАГА. «Слушовец» кооператив Чехословкияда илм-фаннинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқари- шини билан интеграциясининг самарали формаси намунаси- дир.

Кооперативда мутахассис- ларнинг куч-ғайрати билан биология ва химиялаш мар- кази ташкил этилган бўлиб, у ерда озука аралашмаларнинг энг мақбул таркиби белгилаб берилди, туپроқда минерал моддаларнинг қай даражада эканлиги аниқланади ва бошқа зарур анализлар ўтказилади. Бу борадаги барча ишларни электрон ҳисоблаш машинаси бажаради. Экин майдонини 8 минг гектар майдонини эгал- ладиган «Слушовец» коопе- ративда меҳнатни ташкил этиш ва машина — трактор парки- дан оқилона фойдаланиш «лабораторияси» ҳам ишлаб турибди, электрон ҳисоблаш машинаси комбайнчилар, кў- ма ремонт устaxonалари ва автотранспорт иш графининг белгилаб бермоқда. Шу тари- қа хўжаликдаги мавжуд 150 та трактор, 50 та комбайн, 5 та қишлоқ хўжалик авиацияси самолётининг ҳар биридан энг кўп самара билан фойдала- нилмоқда. СССР қишлоқ хў- жалик корхоналари практика- сида биринчи марта коопе- ративда юкларни контейнерда ташиш системаси ишлаб чи- қилди ва бу мутахассисларнинг хисоб-китобида кўра транспорт харажатларини анча қисқарти- ришга қўлқўлашди.

Шу кунларда Венгриянинг йирик саноат корхоналарида, илмий-тадқиқот муассасалари- да ўз муроббийларининг сўз- ларини диққат билан тингла- ётган урта мактаблар ва гимназиялар ўқувчиларини кў- риш мумкин. Уларнинг ҳамма- си касб танлаш аъённавий ҳафталикларни қатнашчилари бўлишди. Ҳафталиклар даво- мида йигит ва қизлар «Ким бўлсам экан!» деган саволга узиш-кесил жавоб беришди. Бу йил мактабларни татомлаб чиққан 130 мингдан ортиқ йигит-қиз ўз меҳнат биогра- фиясини бошлайди. Уларнинг қўлчилиги ҳалқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида — қурилиш, электр саноати, кор- хоналарида, транспорт соҳа- сида меҳнат қилмоқда. 40 минг- га яқин йигит ва қизлар ҳунар- техника билим юртларида ўқиниш давом эттиришди.

СОФИЯ. Уй-жойлар ва саноат объек- тларининг вентиляциян тир- кишларидан чиқадиган иссиқ- ликдан фойдаланиш мумкин- ми. Разряддаги кенг энерге- тика манбалари монтаж кор- хонасининг мутахассислари бу саволга ижобий жавоб қайтар- дилар. Улар яратган иссиқ- ликни айрибюшловчи ускуна атмосферага чиқариб юбори- ладиган иссиқлик энергияси- нинг 75 процентидан 80 про- центига бугун қисқисидан фойдаланиш имконини беради. Ана шу энергияни ҳосил қи- лиш технологияси ҳам ишлаб чиқилди.

Афғонистоннинг пой- тахти Кобул шаҳрида 1979 — 1986 йилларда афғон халқига қарши жинояткорона иш олиб борган етти нафар аф- фон контрреволюционери устидан сирдан суд иши бошланди.

Жиноятчилар орасида душманлар бошлиғи Ах- мад Шох Масуд, Мухам- мад Панов ва яна беш қалаласар бор. Улар- нинг қўллари аёллар, қариялар, болаларнинг қонига бўялган.

Саратон. Ташқарида симоб устун 40 даража иссиқлиги кўрсатмоқда. Қани энди ана шундай ис- сиқ кунда муздай, ширин-шакар музқаймоқ бўлса- му, салқин ерга ўтириб мазза қилиб хоҳлаган хи- лдан еб, роҳатлансанг. «Аммо бунга эришиш осон эмас» дейишмоқда газетхонлар. Редакцияга келадиган хатлар ва телефон орқали кўнгирок қи- либ бидириладиган шикоят ва истаklar шунини кўрсат- моқдаки, «Ташхолокомбинат» томонидан тайёрлана- ётган музқаймоқлар бугунги кун талабига тўла жа- воб бераётми. Яна бунинг устига савдо шохобча- ларида уни сотишда совет савдо қондалари бузил- моқда. Рейдмиз давмида ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тормай музқаймоқ ишлаб чиқари- шида ва сотишда камчиликларга йўл қўётган ва меҳнатсиз даромадларга руж қўйганларнинг учрат- дик.

«СЕН МЕНГА, МЕН СЕНГА...»

Соат 15. «Снежок» кафе- сида ўтиришга жой йўқ. Музқаймоқ олиш учун на- бат кутиб турганларнинг кети узилмайди. Сотувчи Т. Муха ва Л. Зейливалар эриб ётган музқаймоқни тарозига қўйишди, тезлик билан устига майдаланган шоколадни солиб беришмоқ- да.

Улар текширувчиларни кўришди, идишдаги майда- ланган шоколадни ва чой қончили беришмоқчи ва ўз- ларини айбоси қилиб кўрсат- моқчи бўлишди. «Ташхоло- комбинат» томонидан тай- ёрланаётган махсулотларга шоколадларни солиб сотиш ма- ман этилганлигини билиш- са-да, ўзларини билмаслик- на солишди.

Кафенинг ертўлисида жо- лашган холодийникда тур- ган музқаймоқларни кўздан кечирдик. Нархи ҳар хил бўл- ган махсулотлар бир текис қилиб териб қўйилиди, юқо- риди эса бир хил нархда музқаймоқ сотишарди.

— Бу бизники эмас, — деди сотувчи Т. Муха, — кўшнни павильондагиларни- ки, уларда холодийник бўл- маганлиги учун шу ерда сақлашди.

Кўшнни павильонда бўл- дик. Афсуски, у ерда ҳеч қандай музқаймоқ сотилма- ётган экан.

Кафе яқинидаги «Уголок»- да ҳам бўлидик. Бу ерда биз- га музқаймоқ ўрнига яхоб- дек сут кристаллари қат- лам-қатлам бўлиб ажралиб турган муз беришди, унинг устига озгина шоколад ҳам солиб қўйишди. Бу 200 граммлик «кулайлик»га 68 тиын тўлашга тўғри келди. Кейинчалик маълум бўл- дики, музқаймоқ «Сливоч- ное» бўлиб, 100 грамм 12 тиын экан. Ахир ўзининг ўй- ланг бир чой қончи шоколадга 44 тиын олиш иносифатиди? Рейд давоми- да бир қанча нафаларда бўлганимизда кўпчилиги муз- қаймоқнинг сифати ҳақида ўзининг эътиборини қўйида- гича бидирдик.

— Бу музқаймоқ эмас, музунинг ўзи, — дейди Тош- кент област Калинин ра- йониндаги 25-ўрта мактаб- нинг илмий мудир, Хоно- бод қишлоқ Советининг де- путати З. Эгамназаров. — «Ташхолокомбинат»да ги- дарининг ўзи бу музқаймоқ- дан табиб қўришганларда қай аҳволга тушар эканлар, билмадим.

Музқаймоқ номунага яраша бўлиш керак, — дейди Низомиёв номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқувчи курс студенти Л. Афонина. — Ун- га қўйилганлар ҳар хил ши- ринликлар фақат музқаймоқ- нинг қимматини оширибди, на қолмасдан, унинг мазасини ҳам бузмоқда. Ҳар хил кў- шириндикларни

СССР Стандартлар давлат комитети Ўзбекистон республика бошқармаси, Ўзбекистон радиоси, «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газетала- ри редакциясининг қўшма рейди

Музқаймоқми ёки пулқаймоқ?

боғлиқ бўлган биронта ҳам фактга нисбатан таъсир чо- раси кўрмай қолдирилмасин. Иш шундай йўлга қўйил- синки, порашурлар, давлат бойлигини таловчилар, тама- гирлар, ташмачилар ҳамда жамият ҳисобига бойлик орттиришга руж қўйган бошқа кимсалар ялли наф- ратга дучор этилсин, улар ўз қилмишлари учун муқар- рар жазоланишларини бил- синлар», дейилган. Биз бу сўзларни иш жойида қўл- лаб, давлат ҳисобига бойлик орттиратганларга нисбатан мурасимиз кураш олиб бо- ришимиз керак.

ҲАМОН СИФАТ ПАСТ

Соат 12 да «Ташхоло- комбинат» ҳовлисида бўл- дик. Эндан ортиқ катта ма- шиналарнинг экспедитор ва хайдовчилари тўрт, беш соатдан бери музқаймоқ- олиш учун вақтларини беку- вади. Ўтказишга танлигидан шикоят қилишди.

— Бир ҳафтадан бери аҳ- вол шу, — дейди Қўйишев ва Собир Раҳимов район савдо базаларидан келган 46-88 ТНА, 20-81 ТНУ ма- шиналарининг экспедитор ва хайдовчилари А. Емельянов ва И. Абрамов. — Қўнлар- нисб музқаймоққа талаб ош- ганда комбинада соатлаб беҳуда туриб қоламиз. Са- бабини суриштирсак, жавоб ололмаймиз. Агарда вақт беҳуда кетаётганлигини айт- сак, ҳақиқий музқаймоқ- ни умуман берамай қўйишдан ҳам тап тортишмайди.

Бу сўзлардан сўнг И. Аб- рамовнинг 20-81 ТНУ ма- шинасида тезлик билан муз- қаймоқ орта бошладик. Ортиб, бўлишган, иқтисод бўлими бошлиғи Ш. Топиш- латов ва техника назорати бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Иноятовлар иштирокида ана шу маши- надаги икки тонна музқай- моқнинг сифати ва ҳарора- тини текширдик.

Машинадан дуч келган бир неча музқаймоқчи ко- робокани олиб текширув ўт- казилганда давлат стандар- ти талабига кўра 12 дара- жа совуқ бўлиши керак эди. Ваҳоланки, термометр 4 да- ража совуқни кўрсатиб ту- рар, баъзи идишлардаги музқаймоқлар эриб, ярим бўлиб қолганди. Яна бунинг устига нархнини бидирди туратдиган тамақлар йўқ эди. Машинага ортган икки тонна махсулот давлат стан- дарти талабига жавоб бе- рамаганлиги учун қайта туши- рилди. Камчиликларнинг сабабини суриштирдик.

— Бу музқаймоқ камера- га қираверишга қўлиб кет- ган. Холодийникнинг ичка- рисида бўлганда эди муз- лаб қолган бўларди, — деди комбинат директори А. Ил- хомов.

Балки бундай воқеа тасо- дифан бўлганди. Эртасига эрталаб соат ўн бирларда ана шу ерда бўлиб 59—76 ТНА машинасининг хайдо- вчи Н. Токидиновни мах- сулот олиб чиқиб кетаётган- да тўхтадик. Корхонанинг бош инженери Ш. Махсум- ов, техника назорати бўли- мининг бошлиғи вазифасини



— Бундан олти йил му- қаддам, — дейди сўзини давом эттириб А. Кузнецов, — эски «Холодоем» нэ» бўлибди, унинг ўрнига ҳозиргиси ишга туширилди. Чет элда ишлаб чиқаришдан янги хизматлар ўрнатил- ди. Бу ускуналар бугунги кун талабига жавоб беради. Аммо музқаймоқнинг маз- си қўпчилиги ранжикмоқ- да. Яхши музлатилганлиги- ги сабабли муз кристаллари қатлам-қатлам бўлиб, ажра- либ турибди. Бу айниқса тўрт килограммли целлофан- га солинган махсулотларда яққол кўзга ташла- нади. Музқаймоқ дав- лат стандарти тала- би даражасида бўлиши учун қўшумча компрессорлар ўр- натилиши керак.

— Ўтган йили, — дейди Ҳамза район прокурорининг ёрдамчиси Х. Шодикушев, — СССР Стандартлар давлат комитети республика бош- қармаси бу корхонада июнь, июль, август ва сентябр ойининг ярмигача сифатсиз махсулот ишлаб чиқариш ҳамми бир миллион сўмдан ортиқ бўлганлигини аниқла- ди. Текширишлар шунини кўр- сатдики, музқаймоқ ишлаб чиқаришда баъзи бир техно-

Р. САИДЗОВА, СССР Стандартлар дав- лат комитети Ўзбекистон республика бошқармаси- нинг бўлим бошлиғи.

И. ФАТТОХОВ, Ўзбекистон радиосининг катта редактору.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ, О. КОСТИКОВА, «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газе- талари муҳбирлари.



Хикматнома

Камтарга камол

● Камтарлик гунча, унинг очилиши келмакда.
● Элга севимли бўлишни дипломга қўшиб бермайдилар.
● Осмонга қараган — ерининг бахридан махрум.
● Ҳар бир баландлик настандан бошланади.
● Бошқоқ тўлишганда бош эгиди.
● Одам ўз қадридан ўзини устуни қўйса, бурди кетади.

● Вазмин ютади, енгил йитади.
● Мевасиз дарахт кеккаяди.
● Ҳар бир пишган хушбўй ҳид таратади.
● Камтарлик — манманликни босиб ўтади.
● Ҳаётини чуқур билганлар — камтарлардир.
● Камтарлик — ҳаётини омад.
● Чуқур дарё — соқин оқади.
● Қамишни кеккайиш бўйра қилган.

Камолот ҳақида

● Камолли одам медалари пишиб ётган, боққа ўхшади.
● Илм ва ҳунар одамнинг камолига камол қўшади.
● Ёшлиги мазмунли ўтган киши — тўқис қарийди.
● Пилмаган уруғ униб чиқмайди.
● Камолнинг кийими эмас, ўзи кўринади.
● Илм юксаклигига мустақил чиқадилар, аммо нодонлик чуқуридан бирор тортиб олади.
● Мустақил одам қарам бўлмайди.
● Эгри йўлдан ўзини тийиш — камолотдир.
● Баъзи одамнинг усти обод, ичи ҳароб

бўлади.
● Ҳаётнинг маъноси — камолотга эришиш, ҳосил беришдир.
● Гунча соғлом бўлгандагина, чиройли гул очади.
● Оғининг вазини тил кўрсатади.
● Камолот текинга берилмайди.
● Тажрибалининг таъминини ҳам тўғри бўлиб олади.
● Камолотлилар ҳаёт ахмакларидан кўрқинибди.
● Камолот бўлмаса, ҳаёт юки оғирлик қилади.
● Камолот — фаолит хирмонидир.
Ветеран педагог
Матлуба УЛУГОВА

Кўзларида

НУР БОР ЭДИ

(Қатра)

Кўзлар учрашдилар. Бир-бирларига соҳраниб мойил боқдилар. Кўзларнинг нурда ишқ-муҳаббат ҳарорати жилва қилди.

Пигитнинг кўзлари деди: — «Севаман... севаман... Сен-чи?»

Қизнинг кўзлари няманди, ерга нур тўқарди.

Пигитнинг кўзлари ёнар, унда нур ўйнади.

Қизнинг кўзлари няманиб ерга қарарди...

Пигитнинг кўзлари азобда ёнди. Ўртади. Афсус, сўнг умидини узди кўзлари. Энди у ўз кўнглини овутомқ истар, бунинг кўзларидан кўра жонибали кўзларини изларди.

Бунинг кўзларини оғир иштироб ёшлари қоплади. Рашкада азоб чекди бечора. Ўчай-ўчай деб тутаб ёнаётган шам каби маъюслик қолди. Аммо калмага келмасди тиллари. Лол. Мангу лол... Аммо мунгли кўйга, қўшқига тўла эди кўзлари. Бўлмади. У ўзи учун ардоқли кўзлардан жудо бўлиб кетди.

Бунинг кўзларини азобда ёнди. Ўртади. Афсус, сўнг умидини узди кўзлари. Энди у ўз кўнглини овутомқ истар, бунинг кўзларидан кўра жонибали кўзларини изларди.

Шарофат НОРҚУЛОВА.

Шу куннинг мавзусида

Иссиқ кунда кийиниш

Ёзги кийим баданини қувшининг жазирасида иссиқдан сақлайдиган ва терининг намининг булантириши учун ҳаво ўтказадиган бўлиши керак.

Газламаларнинг ҳаво, буғ ўтказиши ва нам шилиши ҳар хил бўлади. Терни ўзига яхши шилмайдиган газламалар организмда иссиқлик алмашинуви жараёнини бузмайди. Бу ҳусусиятлар табиий тоналар ва баъзи сунъий тоналар, масалан, вискоза ҳамда таркибиде мис-аммиак тоналари бўладиган газламалар учун ҳосилдир. Шунинг учун ҳам бундай газламалардан тикилган кийимларни ёзда кийиш мумкин.

Бироқ, шуларга қарамай, зигир тоналардан тикилган газлама ёз учун жуда қулай, гигиена жиҳатидан унинг олдига ташуадигани йўқ. У бошқа газламаларга нисбатан нам-

ни ўзига яхши тортади ва ҳаво ўтказиш, ювганда кири осон кетади, яхши дэзмонланади.

Зигир толасидан тикилган газламалар кўйлақ кийсангиз, ёзда муздақини бўлиб, маза қилиб юрасиз, чунки у ҳатто ил-газлама, синтетик материал қараганда тери юзасидеги иссиқликни яхшироқ тортиб олади.

Синтетик тоналардан тикилган газламалар терни дерида шилмайди, бироқ ёғни ўзига яхшигина шилиб олади. Капрон, нейлон, силон ва шунга ўхшаш бошқа газламалар ёғ безлари ажралмаси билан тез кир бўлади ва бу билан намин аядада ўтказмайдиган бўлиб қолади. Ана шунда тери вазифасини нормал бажара олмай қолади, одам терлаб, димкииб кетади. Шунинг учун ҳам синтетик ва сунъий

газламалардан тикилган кўйлақларни ёзнинг иссиқ кунларида кийиш тавсия этилмайди. Уларни ҳаво ҳарорати 20 — 30 даражадан ошмаган пайтлардагина кийиш. Агар сизда бирор тери касаллиги бўлса, синтетик кийимларни кийиш, синтетик кийимларни ёш болалар ҳам кийиши мумкин эмас.

Ёзнинг иссиқ кунларида кенгрок қилиб тикилган кўйлақлар, блузкелар кийган маъқул. Эркинликнинг кўйлаги ҳам яхши оқинрок, ёғни кенгрок бўлгани яхши, шунда баданга ҳаво етарлики кирб туради. Кўйлақ кийилганда зигир ёки ил газламалардан тикилган кийимни кийишни унутманг ёки айовини кенгрок шяпа кийиб олинг.

М. ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

Шингил

маслаҳатлар

♦ Сут пишираётганингизда сўст оловда милдиратиб қайнатсангиз, ивитадиган қатинингиз тиңқ ва жигардек қуёқ бўлади.

♦ Оқ рангли туфли андиқдек ярқиллаб турсин десангиз пивэзи кесиб, сутига артинг.


♦ Дезмонли розеткага улаб, сел қизган пайтда тагини қоздаги ош тўзига ишқаласангиз, тагига теккен доғ-дуг кетиб, дарҳол тоза бўлади.

♦ Везадаги гуллар сўлмасдан, кўпроқ ишанб турсин десангиз, сувига икки чакмоқ оқ кенд солиб қуйинг.

М. ГАФУРОВА.

ЛОЙИҲАЧИЛАР — ТРАКТОРСОЗЛАРГА

Бош пландан бир лавҳа



Лойиҳачилар инженерлик қисмини тайёрлаб бериши.

Лойиҳада бинолар ораларидаги ҳовлилардан ҳам унумли фойдаланилган. Ҳовлиларда дам олиш учун махсус жойлар ажратилган бўлиб уларнинг кичик архитектура формалари ҳам мавжуд. Бундан ташқари бинолар ораларида пиёдалар бўлавери бўлади. Машина ағгалари учун ҳам қулай шариоқлар яратилган. Шинам гараж улар хизматида бўлади.

Лойиҳачилар микрорайон кичиктоиларини ҳам эсдадан чиқаришмаган.

Улар учун ҳар бири 320 ўринли иккигина болалар богча-ясилни қурилади. 33 замонавий синфдан иборат 1.251 ўқувчи маълумалланган мактаб қурилади. Микрорайонда оммавий спорт ўйинлари ўтказиш учун спорт майдончалари ташкил этилади.

Аҳоли учун озиқ-овқат, кийим-кечак, мағазилари қурилади. Қуриладиган ту-

рар жой биноларини ва богча, мактабнинг пардоз ва қурилиш ишларида юқори сифатли материаллардан фойдаланилади.

Ушбу тракторсозлар учун қуриладиган иккинчи микрорайон Куйбишев районида энг кенжа ва чиройли микрорайонлардан бири бўлади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: микрорайон макети.

Автор фотоси.

ТУРСОЯ ОЛАМ

● БАҚҚАРОРЛИК

Ўз мамлакатиде машҳур бўлган швед Стив Беллинг бундан бундан марафон мусобақаларида 48 марта иштирок этган. 1986 йилда у марафон мусобақасида 9:12 натижаси билан 8108 ўринини эгаллади. Шунга қарамай, 73 ёшли Беллинг ўндан энг ёш чангичини ортада қолдирди. Ҳозир у ўзининг келгуси йили бўладиган юбилейига — 50-марафонга таяёргарлик кўрапти. У ҳар кун югуради. Башарти кеч йилда ҳаётини бермасе тартга абабатта чиқади.



● ЮГУРУВЧИ — ЖОНГЛЕР

36 ёшли швейцариялик Пауль Зуль аjoyиб футбол техниксига ва ўзининг қўлчанглигини намойиш этди. У футбол тўпини жонглерлар каби ўйнаб 20 километр масофани югуриб ўтди — тўп бир марта ҳам ерга тушиб кетмади. Бунинг учун Пауль 5 соат 16 минут вақт сарфлади.



● ЯНГИ РОЛИКЛИ КОНЬКИЛАР

Джозеф Уллрайт иштирокчиларнинг Бостонда бўлган кўргазмасида роллики конькиларнинг янги тили — уч тилдирган конькиларни намойиш этди. Янги конькилар шаҳар кўчаларида (йўллариде) тез ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлиб, жуда пинҳон ишланган.

● КВЕБ БУЛИШГА ТАЙЕРМИСИЗ?

Сербларда: «Келинни бош узга кўтар олган йигити кувалкага арайди» деган макол бор. Ана шу маколга юнанд расм-русум Воводина (Югославияда) мавжуд. Бу одат бўлгуси куваланинг ўз саломатликлари ҳақида қай-қайларини тақозо этади. Тўғри, шаффоф тўр рўмонини ўраган келинларини даст кўтариш келини ҳам, кувалга ҳам ҳаминча қулай бўлавермайди. Шу сабабли замонавий кувалар 50 килограмм оғирликдаги штангани кўтаришни афзал қўришапти. Тўғра келган кўпбал меҳмонлар айна пайтда келиннинг ўзини ҳам «кўтариш» дақиқасини сабр-сизлик билан кўтишади. Шундан сўнг куванинг юзи ёруғ бўлади!



● БИРИНЧИ ТИМСОЛ

Врачликнинг биринчи белгиси — қадучи тимсол Гудеа кубоги (Шумер маданияти, эраизмга қараган 2200-йилларда) акс эттирилган. Қадучи — бир-бирига ўралашиб олган икки илон — бу қадимги одамларнинг ер ва осмоннинг бирлиги, табиатнинг ҳосилдорлиги ва даволаш ҳусусиятларини ўзиде мўжасамлантирган. Қўш илон билан ёнма-ён қўш хоним — соқин акс эттирилган. Улар саломатлик муҳофазасида туршибди. Қўш илон тимсоли ҳозиргача АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларда медицина эмблемаси сифатида фойдаланилган.

● ШАҲАРДАГИ ҚУРШАПАЛАКЛАР

Гватемаладаги Санта-Луиса-Кокумалитупа муниципалитетининг аҳолиси саврасида. Бунинг сабаби шу районда қушпаалак галларини пайдо бўлганлигида, улар қўш илон аҳоли пунктларини муҳофазасида эгаллашганлигида. Дир. ЭФС агентлигининг хабарига қўра, қон сўрувчи қушпаалаклар одамлар ва ҳайвонларни чинакамлаш оғир қилишмоқда. Қоронғи тушиши билан уларнинг галларини уйларида атрофда гужон учадиган. Мункидан қушпаалакнинг Сисилио Альбарканнинг хабар қилишича, қушпаалакларнинг гужондан натижасида ҳозиргача тўқинчи кичиктоил ҳалок бўлди.

«Оқшом» сабоқлари

Еттинчи сабоқ

Биз «ақлли» (ўз фойдасига ишлайдиган) автомат-телефонлар, автомат-газ суварига ўрганиб қолганмиз. Уларнинг «килик»лари аввалгидай, кишининг ёнсангани қотирмай ҳам қўйди.

Бироқ ақлида яна бир автомат ишга гушди. Бу шаҳар метро станцияларига ўрнатилган газета киоскаларидир. Тўғриси, ўшанда хурсанд бўлгандик. «Ҳартугул, киоскадаги сотувчига мўлтираб, илтимос қилиб газетани олишдан қўтқулди» деб ўйлагандик. Бунинг қарангки, бу автомат ҳам «ақлли» чиқиб қолди.

Эрталаб киоска олдида «сарғайгандан» кўра метрогади автомат-киоскадан газетани олиб қўя қолай деб ўйлаётганда, ҳафсала билан 3 тийинлик тангани ташлаётган. Бироқ... автомат газетани берганис келмади. «Э-ҳа-а, гап бўёқда дент» дея мийингизига қуласиз-да, яна бир 3 тийинликни ташлаётган. Афсуски, ана газетани йўқ. Таъбингиз тирриқ бўлиб, бунинг устига метрога гушди кетаётган одамларнинг қулиб қўйганидан хижолат тортиб кетасиз.

Хўш, дўстлар сизда ҳам шунақа воқеа бўлганими? Бўлган бўлса, айтинг, қачон, қайси метродаги «ақлли» киоскада? Яна бир гап:

Баъзан эрталаб ишга шоша туриб, бу

киоскадан газетани олишга умид қиласиз.

Қарасангизки, автомат-киоскада умуман газетани йўқ. Ноймон кейинги станцияда яна тўшасиз. Аксига олиб унда ҳам ҳеч ваёқ йўқ. Хуллас, газетани ҳам ололмайсиз, ишдан ҳам кеч қоласиз. Тўғриси? Бўлганими шунақаси? Агар бўлган бўлса, айтинг, қачон қилинг. Қўйлашиб, биргалашиб фикрлашайлик.

Керак бўлса бу ишларнинг мутасаддилари билан гаплаганайлик. Шояд, «ақлли-автомат»лар ҳақиқий ақлли-автоматларга айлانسин.

Бир ҳисобда буларнинг ҳаммаси майда-чуйда гапларга ўхшаб кўринади. Бироқ, энг аввало «майда-чуйда»да тартиб ўрнатилмасак, ҳеч қачон катта ишларимиз ҳам буюқсон, бешиқал бўлмайди. Шунинг учун ҳаётимиздаги, турмуш-турмушимиздаги ҳар бир майда-чуйда, икки-чиркига эътибор қилсак, кунларимиз янада мазмунли ва унумлироқ ўтаримиз.

Демоқчимизки, бугунги сабоғимизда ана шундай икки-чиркиларга ўт очас.

Фақат энди буёғи сизларга боғлиқ.

Сабоқни
Ахбор АХМЕДОВ
олиб борди.

«Оқшом» сабоқлари» акс садоси

6-САБОҚ, «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ

«Сабоқлар»да кўтарилаётган масалалар ҳаммамизга маъқул, албатта. Айниқса, ўтган 6-сабоқда ўртага ташланган, баъзи мутасадди раҳбарларнинг диққат-эътиборига ҳавола қилинган масалалар ўз ечимини кўтиб ётган муаммолардир. Уларга бефарқ муносабатда бўлиш эса масъулиятсизликдан бошқа натижа эмас.

Ҳозир айни ёз. Шаҳар аҳолисининг муздек ичимликларга эҳтиёжи жуда катта. Бироқ, ана шу эҳтиёж ҳар доим ҳам қўнғил-

дагидек қониқтирилмапти-да. Квас, морс сингари ичимликлар савдосиданга нуксонларини асти қўйверасиз. Баъзан квас ичганисиз келганда, қиқинига «квас» деб ёзиб қўйилган иштерналлар олдида борсангиз, у ерда мазаси-таъминини ҳам билиб бўлмайди. «Морс»ни сотиб ўтиришадиган. Қизик, «квас» деб ёзиб қўйиласиз «морс» сотиласиз...

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ, журналист.

ХАНДАЛАР

Қандсиз...

КОМПОТ

♦ Врач оғир дардга чалинган бир беморни кўздан кечириб, унга фақатгина тиңқили ва ором кераклигини айтиди. Уша аснода беморнинг хотини врачга халақит бериб, жағи мўлғала тинмай жарайверди. Шунда врач хайрлаша туриб, унга уйку дозиси ёзиб берди. Рецептин олтируди беморнинг хотини сўради:

— Дорини эримга қачон ичирмаган?

Унга жавобан врач қатъий тайинлаб деди: — Дорини эрингиз ичмайдиган, сиз ичасиз. Уни уйкудан уйғонган захотингиз дарров ичиб олаверасиз!..

♦ Бир киши иккинчи кишига деди:

— Биласизми, кечаси-кундузи тинмай ҳаёл сураверганда хотиним шўрлининг сочлари оппоқ қураб кетди.

Иккинчи киши ажабланиб сўради:

— Хўш, хотинингиз нималар ҳақида шунчалик ҳаёл суради? — Э, сиз сўраманг, мен айтмай. У сочларини қорангга бўтасамкини ё малла рангга бўтасамкини, деб ўйланади...

♦ Бир уйга тўсатдан бостириб кирган ўғри уйкудан уйғониб кетган уй эгасига пичоқ ўқталди деди:

— Қимирламам! Мен сизга мўлғала зарар етказмайман, фақат хотинингиз сиздан яшириб қўйган пулни қидириб топиб оласан бас!

— Ундай бўлса, шовманг, оғайни, — деди уй эгаси. — Мен дарров чироқни ёқай. Сўнг хотиним яшириб қўйган пулни қидириб топиб оласан бас!

♦ Ҳўранда официантга шикоят қилиб деди: — Менга қаранг, сиз менга келтириб берган биштексе ниҳоятда қаттиқ, чандир экан. Уни ўн минутдан бери кесиб майдаломайман.

— Ташвишланманг, — деди унга жавобан официант, ресторанимизнинг ёпилишига ҳали анча вақт бор, беамал улгурасиз.

ТЕЙЛИСИ.

Тўловчи Т. МАҲМУДОВ.

ТАСС мухбири.

ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

Башарти қоида бузилса...

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездинда Сибей қонунларида таъкидланган. «Ўй-жой проблемасининг социал аҳамияти ва кескинлиги бу проблемани жиддий муносабатда бўлишимизга ҳам тақозо этади. Демак, уй-жойларни тақсимлаш иши жиддий ҳисобланган, бу ишда қатъий ҳисоб-ҳисоб ва тартиб ўрнатилмоғи даркор.

Ҳаммага яхши маълумки, турар жой хонасига кўчи киришда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари томонидан айрим буш хона учун ёзи берилмаган ордер яна асос бўлади. Бироқ, Тошкент шаҳри судлари практикасида турли районларнинг турар жой ишлаб чиқариш эксплутация трестлари турар жой хонасига ордерсиз кўчи кирган шахсларни кўчирини ҳақидаги даъво билан халқ судларига мурожаат этиши ҳоллари бўлди.

Ленин район халқ судида Куйбишев район Совети ижроия комитетининг турар жой ишлаб чиқариш-эксплутация трестининг Якуб Колас кўчасидаги бир хонали квартирандан граждани Р. Муминовни кўчирини юбориш ҳақидаги даъвоси қўриб чиқилди. Суд мажлисида Муминовнинг тушунтиришича,

ушбу квартиранда 1983 йилдан бери ҳеч қим ишламаган, унинг оиласи эа турар жойга муҳтож бўлган. Табиийки, суд Муминовнинг оиласини ўзбошимчилик билан эгаллаб олганга квартирандан чиқариб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Айни пайтда бўшган квартирани ўз вақтида ҳисобга олишни керак бўлган уй-жойлардан фойдаланиш участкаси номига ҳусусий ажрим чиқарилди. Рўй бермаслиги мумкин бўлган жанжаллашув зарур ҳисобот йўқлиги оқибатида содир бўлди.

Квартираларни ажратилганда қатъий тартиб ўрнатилиши ва уларни тақсимлашнинг фақат тегишли ташкилотлар амалга ошириши керак. Бироқ уларнинг вазифасини бошқалар ўз зиммасига олаётган ҳоллар бўлмоқда. Чунинчи, «Узпромөтхизмат» трестининг қасаба союзи комитети чиқарган қарорга қўра, квартиралардан бирига ордер тегишлича расмийлаштирилмаган ҳолда Эдельманнинг оиласи кўчи кириди. Киров район Совети ижроия комитети эса Эдельманлар оиласига ордер беришни табиий равида рад этди. Квартиранинг ишга тушириш-созлаш ишлари бошқармаси ишчиси, навбатда биринчи бўлиб турган Котловга аж-

ратди. Аммо у қўлидаги ордер билан ўзига тегишли квартиранда қўчи кири олмади. Чунки хонани Эдельманлар оиласи эгаллаб олган эди. «Узпромөтхизмат» трестининг маъмурияти ва қасаба союзи комитети ўшарига тегишли бўлмаган ишга бошқоқ бўлганликлар оқибатида рўй берган жанжал анча вақт давом этди. Суддан кейин адолат қарор топди. Бироқ, Котловнинг оиласига келтирилган маълумоти зарарини қим ҳам тўлдир оларди. дейсиз!»

Шунинг ҳам айтиш керакики, турар жой ишлаб чиқариш-эксплутация трестларининг даъволари хамини ҳам қондиравмайди. Юқорида айтилган Куйбишев район турар жой ишлаб чиқариш-эксплутация трестини Ново-московский кўчасидаги қунаридан Р. Ф. Болбат фамилияли аёлни кўчириб юбориш тўғрисида даъво билан мурожаат этди. Квартира унинг эрига ажратилган эди. Никоҳ эса турар жой ажратилганда кейин рўйхатдан ўтказилган эди. Эр оламдан ўтди. Унинг рафиқаси эса янги адрес бўйича пропискани ўз вақтида расмийлаштирмади.

Оқибатда келишимовчилик содир бўлди. Суд гражданика Р. Ф. Болбатни

олувчи оиласининг аъзоси ва турар жойда яшашга ҳуқуқли деб тан олди. Бундай ҳуқуқ квартирани ижарага олувчининг вафотидан кейин ҳам сақланади.

Бу аёл пропискани ўз вақтида расмийлаштирмагани хусусида унга айб қўйиш мумкин. Бироқ бу ишда Куйбишев район ички ишлар бўлими паспорт бўлими ходимларининг ҳам айби бор. Чунки улар паспорт режими н назорат этишмаган.

Кўриб турибсизки, баъзан судда рўй бериш мумкин бўлмаган ишлар ҳам қўриб чиқилди. Яъни, граждандар ва ташкилотлар тегишли қондаларга риоя этилмагани оқибатида шундай бўлди. Шу сабабли биз яна бир бор эътиборишни истаймизки, турар жойни тақсимлаш пайтида қатъий ҳисоб-ҳисоб ишлари юритилиши ва барча қондаларга риоя этилиши зарурдир. Айни пайтда бўшган квартиралар назорат остига олиниши керак. Ана шундангина шаҳар судларида квартира масалалари бўйича жанжалли ишлар анча камроқ бўлур эди.

К. НОСИРОВ,


Тошкент шаҳар судининг раиси.

Тошкент денгизи соҳилида

Тошкент шаҳар Совети ижроия-комитетининг аҳолига маийш хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи-хизматчилари сўлим оромгоҳлар, дам олиш зоналарида бўш вақтларини мазмунли ўтказишда бошқарма касба союз комитети меҳнатда энг яхши натижаларга эришган, аҳолининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётган хизматчиларнинг санаторийлар, дам олиш уйларида бўриб ҳордиқ чиқариш учун амалий чора-тадбирларни кўрмоқда.

Айни пайтда бошқарманинг Тошкент денгизи территориясида жойлашган «Битовик» дам олиш уйи ҳордиқ чиқарувчилар билан гавжум. Ҳозир бу ерда маийш хизмат кўрсатиш ходимларининг салкам 9 минг нафар ўқил-қизил вази кичиклиги шуду хуррамлик билан ўтказмоқда.

Сентябрь ойидан бошлаб дам олиш уйи янада гавжумлашди. Бу ерда шаҳар маийш хизмат кўрсатиш тармоқларининг энг яхши хизматчилари йўланима билан дам олгани ташриф буюришди. Саникис юз ўринли мазкур ҳордиқ масканида улар учун турли қулайликлар, муолажа воситалари яратиб қўйилган.



ШАҲРИМИЗ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Эртага Бутуниттифоқ сузучилар ҳафталиги якунланади. Бу ҳафталикда Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнатчилари фаол иштирок этишмоқда. Бугун «Текстиль» спорт комплексининг

сув ҳавасига оталикдаги ётоқхоналарнинг истиқоматчилари эгалик қилишди. Улар «зангори йўлқарлар»да соғлом, лаштириш машқларини иштирок билан бажаришди.

Якшанба кунини эса тўқимачилар стадиони

ушун «Ташметропроект» — СМУ-2, тоннель отряди ва меҳанизация бошқармаси командалари учрашишди. Матч соат 9.00 да бошланади.

Эртага — якшанба кунини чех ва бўлимларро аъзаманай Саломатлик кунини ўтказишди.

Кўнгилли ҳордиқ

«Ташметрополитен» бошқармаси касба союз комитети ишчи-хизматчиларининг бўш вақтини ташкил этишга, социалистик мусобақа голиблари, коммунистик меҳнат зарбдорларини турли оромгоҳларга йўлланмалар билан таъминлашга муҳим эътибор бермоқда. «Янгибод», «Чимё» санаторийлари, Сирдарё соҳилидаги «Меҳнат» туристик базаси, «Хўжа» пансионатида бошқарма ишчи-хизматчилари мириқиб дам олиб, яна унумли меҳнат қўйишга қайтмоқдалар. Бундан ташқари илгорлардан тузилган гуруҳлар республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, қардош Тожикистон ССРнинг Ленинбод шаҳарларига савҳатга бориб келишмоқда.

Йил бошидан бери бошқарманинг 1500 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчилари дам олиш уйлари, санаторий ва пансионатларда, қизилқарли савҳатларда бўлиб қайти. Айни пайтда шанба-якшанба кунлари пойтахт метрочилари Сирдарё соҳилидаги сўлим оромгоҳларга чиқиб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҒУБОВ.

КИНО

19 июль

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОҲҚОН» — Санъат саройи (17, 19, 20.00; телефон 44-21-44, 44-21-34). Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да). Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 78-47-25). «ГАРОНИБ МУҶИЗ» — Қозогистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92). Санъат саройи (ичкин зал, жуфт соатларда, сўнгги сеанс 19.40 да). «РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да). «Тўртинчиси КИМ?» — Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59). «АННА ПАВЛОВА» — К. Ерматов номили (17, 20.00). «ЯНКА СУЗИШ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда). «СОҶИЧ» — М. Шайхонда номили (18, 21.00). «БЕГОНАЛАР ВУ ЕРДА БУЛМАЙДИ» — Лисун номили (тоқ соатларда). «МАТВЕНИНГ ҚУВОНЧИ» — Восток (жуфт соатларда). «САНЪАТ ВА МУҲАВВАТ» — Чайна (18.30, 19, 20.00).

20 июль

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОҲҚОН» — Санъат саройи (11, 13, 15, 17, 19, 20.00; телефон 44-21-44, 44-21-34). Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да). Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 78-47-25). «ГАРОНИБ МУҶИЗ» — Қозогистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92). Санъат саройи (ичкин зал, жуфт соатларда, сўнгги сеанс 19.40 да). «РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 32-44-52). Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да). «Тўртинчиси КИМ?» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59). «АННА ПАВЛОВА» — К. Ерматов номили (11, 14, 17, 20.00). «ЯНКА СУЗИШ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда). «СОҶИЧ» — М. Шайхонда номили (11, 13.30, 15, 18, 21.00). «БЕГОНАЛАР ВУ ЕРДА БУЛМАЙДИ» — Лисун номили (тоқ соатларда). «МАТВЕНИНГ ҚУВОНЧИ» — Восток (жуфт соатларда). «САНЪАТ ВА МУҲАВВАТ» — Чайна (11, 13.30, 16, 18.30, 19, 20.00).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ
НОМИЛ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА
ИСТИРОҲАТ
БОҒИДА
(ЯШИЛ ТЕАТРДА)

19 — 20 ИЮЛЬ
СОАТ 20.00 ДА«Келинг,
қулишайлик»АСКИЯ ВА ҚУЛҒИ
КЕЧАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ

— Унда аскиячилар ва қизилчиларнинг Республика кўрик-конкурси лауреатлари: БУВАЙДА райони «ҚАҲ-ҚАҲ» кулги гуруҳи. Муҳиддин ДАРВЕШОВ, Журақон ПУЛАТОВ, Баҳодир ШОКИРОВ, Абдулқадир ДЕККО-НОВ, Мансуржон ОХУНОВ, Қўқон шаҳар аскиячилар клуби — Вўлдошхон АБДУРАХМОНОВ, Маҳмадхон ШАРИПОВ, Одиқхон ХАЛИЛОВ, МАРИҒЛОНДАН — Зайнобиддин ЮСУПОВ, Мадаминжон ЮСУПОВ, Мамасидиқ ШИРЯЕВ, ТОШКЕНТДАН — Фозилжон СУЛТОНОВ, Жамолддин ЗАЙНОДИНОВ, ҚАРШИДАН — Эгамберди ТУРАЕВ катнашади.

Қўшиқ ва рақсларни М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Ваҳор» давлат халқ рақс ансамбли ижро этади. Кечда интермедиялар, қатра хандалар, қизилчиллик, аския, қўшиқ ва рақслар ижро этилади. Билетлар бор; кассасида ҳар кун соат 10 дан 20.00 гача сотилади. ҚУЛҒИ КЕЧАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

КИНОТОМОШАБИНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Томошабинларга кинофильмларни кўришда қулайлик яратиш ҳамда хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида

САНЪАТ САРОИДА

ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари)
ОЛДИНДАН БИЛЕТ
СОТИШ КАССАСИ

ИШЛАЙДИ

Касса соат 15.00 дан 20.00 гача очил.
САНЪАТ САРОИГА
МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР

ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ
ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
ШАҲАР КИНОТЕАТРАЛари ВА МАДАНИЯТ
САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ЮБИЛЕЙНИ ТЎХТАТИБ ТУРАМИЗ»

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ
Сценарий муаллифлари — Е. БУДИНА, А. КУДРЯВ.
РЕЖИССЁР — Б. ГОРОШКО.

Ролларда: К. ЛАВРОВ, Л. НЕВЕДОМСКИЙ, Б. НОВИКОВ ва бошқалар.

Фильм муаллифлари экранда янги замонавий колхоз раҳбарларининг психологияси, унинг ички дунёси, характеридеги қарама-қаршиликларни кўрсатиб беришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

«БЕЛОРУСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ
МАҲСУЛОТИ.

Хурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!



ТОШКЕНТ
РЕСПУБЛИКА
ОТЧОПАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ОТ СПОРТИ
МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНАДИ.

СИЗЛАРНИ

20, 27 ИЮЛЬ, 3, 10, 17, 24, 31 АВГУСТ, 7, 14, 21, 28

СЕНТЯБРЬ, 5, 12 ОКТЯБРЬ КҮНЛАРИ

СОАТ 11.00 ДА БУЛАДИГАН

МУСОБАҚАЛАРНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

МУСОБАҚАЛАР ПРОГРАММАСИ:

АНЪАНАВИЙ ВА БОШҚА СОВРИНЛАР УЧУН ПОЯГА
МуСОБАҚАЛАРДА Ўзбекистон ССР Қозогистон ССР ва
РСФСР колхоз-совхозлари, от заводларининг энг яхши тул-
порлари қатнашади.

ОТ СПОРТИ ЛОТЕРЕЙСИ ҒИНАЛАДИ

Бир пойгада иштирок этувчи билетнинг баҳоси — 1 сўм.

ХАВАСКОР ЧАВАНДОЗЛАР УЧУН ПРОКАТ НУНҚТИ

ИШЛАЙДИ

Прокат пункти йил бўйи (душанбадан ташқари) хизма-
тигида.

Корхоналар, олий ва ўрта ўқув юрталари ҳамда му-
ассасаларнинг раҳбарлари билан шартномалар тузади.

Йўрғани бир соатга прокатда олиш баҳоси 3 сўм.

ЭНГ ШОДИЕНА ВА ТАНАНАЛИ КУНИНГИЗДА 4

УРИНЛИ, УЧ ОТ ҚўШИЛГАН РУС АРАВАСИДА САЙР

ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бир соатга 20 сўм ҳақ тўланади.

8 ўринли файтонда бир соат сайр қилиш баҳоси — 10 сўм.

Энг кичиктой меҳмонлар учун болаҳар файтонини тавсия

этамиз.

Билет баҳоси 30 тининг.



ОТЧОПЛАРДАГИ «БЕГА» РЕСТОРАНИ СОАТ 12 ДАН
23.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ. ТАНАФУС СОАТ 17 ДАН 18.00 ГАЧА.

Прокат соат 10 дан 18.00 гача очил.

ОТЧОПАР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЯКШАНБА КҮНЛАРИ
СОАТ 12.00 ГАЧА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИ-
ЛАДИ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспек-
ти (метронинг «С. Раҳимов» станцияси; 153, 172, 173, 180,
448-автобуслар; 17-трамвай, 1-Қўйиқ — Калинин район
маркази) маршрутлик таксисининг «Тошкент отчопари» бекати).

Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
6-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қўйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тай-
ёрлайди: МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР
МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ.

Билим юртига ўрта мактабни битирган йигит ва қизлар ҳамда
Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул
қилинади. Уларга ойига 75 сўм стипендия берилади, ҳамда иш-
лаб чиқариш практикаси даврида маошининг 50 проценти тўла-
нади.

Ўқиниш муддати 6 ой бўлиб узлуksиз меҳнат стажига қўшиб
ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга
ўрта махсус ва олий ўқув юрталарига кириб ўқиниш учун йўллан-
ма берилади.

Билим юрти қошида вокал-олгу ансамбллари, фото ва рас-
сомлик тўғралақлари, турли спорт секциялари мунтазам ишла-
нади.

Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатлар топширили-
ши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳ-
нома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, ота-
онасининг иш жойидан справка, медицина справкиси, таржиман
қоли, характеристика, 6 донга фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар қўйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳ-
ри: Луначарский шоссе, 69-уй (1, 4, 1013, 63-автобусларнинг
М. Горький метро станцияси, 17, 18-троллейбусларнинг, 6, 13,
трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

Ўзбекистон ССР
Автомобиль транспорти
министрлигига қарашли
ТОШКЕНТ СИРТҚИ
АВТОМОБИЛЬ
ТЕХНИКУМИ
1986-1987 ўқув йили
учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР
БҒИЙЧА

ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СИРТҚИ БҒЛИМГА: ав-
томобилларга техника хиз-
мати кўрсатиш ва уларни
ремонт қилиш; автомобиль
транспорти эксплуатацияси;
автомобиль йўл ку-
рилиши ва эксплуатацияси;
бухгалтерия ҳисоби.

КЕЧКИ БҒЛИМГА: ав-
томобилларга техника хиз-
мати кўрсатиш ва уларни
ремонт қилиш; автомобиль
транспорти эксплуатацияси;
автомобиль транспортда
планлаштириш.

ЎҚИШГА 10-СИНФ
ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ-
ЛИ ИГИТ ВА ҚИЗЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: 700096,
Тошкент шаҳри, Байнал-
минал кўчаси, 53-уй. Теле-
фон 78-57-39.

Тошкент шаҳар Қуйби-
шев районидagi 248-мактаб
томонидан Мумбекова Ну-
рия Тастановна номига бе-
рилган 550326 номерли
йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТУҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қақшадарё область, Ғузор
районидagi Гоголь номили 26-
ўрта мактаб томонидан
Эшмухитов Кенжа Абдула-
евич номига берилган
036533 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТУҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь
районидagi 169-ўрта мак-
таб томонидан Муротходжае-
ва Саида номига берилган
115992 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТУҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь
районидagi 169-ўрта мак-
таб томонидан Муротходжае-
ва Саида номига берилган
115992 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТУҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь
районидagi 169-ўрта мак-
таб томонидан Муротходжае-
ва Саида номига берилган
115992 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТУҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нурилиши — 32-55,
32, 32-53-83; сановат ва нурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт
— 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95, 32-
55-32; халқлар — 32-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66;
эълонлар бўлими — 33-81-42.